Оссурия давлатини кўтарилиши билан Олд–Осиё санъатида катта ўзгаришлар бўлди. Давлат кучланиши билан катта масофадаги ерларни босиб олади ва хукмронлик марказлашади, бундан босқинчилик йўлида одимо армия шай бўлади ва шу сабабли щам санъат ўзгара бошлайди, чунки энди подшони кучини мангулигини мақташ керак эди. Катта қалъалар, кўркам саройлар, шиддат юзли аскарлар колесницада (икки \илдиракли от арава) тасвири ва ов сахналари, хайвонлар монументал релъефларда, бу Оссурия санъатини характеридир. Давлатнинг харбийлашганлиги архитектурага щам таъсир қилди. Чунки Оссурия давлатининг шахарлари қалъага айлантирилганди. Бунга Дур–Шаррукиндаги (бугунги Хорсобод) подшох Саргон саройи мисол бўла олади. Афсуски бу сарой бизнинг замонамизга бузилган холда етиб келган. Бу сарой атрофи қалин девор билан ўралган ва бутун шахар щам девор билан ўралган. Сарой сунъий 14 метрли баландлик атрофига катта тошлар терилиб уни устига қурилган эди. Сарой уч қисмдан иборат бўлиб кириш, туриш ва ибодат қилиш жойларидир.

Буларнинг бари ховли атрофига қурилгандир. Подшонинг турар хоналари олдида етти қаватли катта зиккурат қурилмаси бор. Бахайбат дарвозанинг икки ёнига қанотли буқалар шер хайкаллар қўйилган, уни калласи одамники, қаноти эса

бургутникидир. Шер табиатни қудратли кучи бўлиб, у подшохни асраши учундир.

Сарой хоналарининг деворларига рангли тасвирлар нақшлар берилганди. Аниқ ва ноаниқ фризали чизиқ ленталари шерларнинг устидан \алаба қилаётган ярим худо – ярим одам Гилгамешни, подшохларни харбий юришлари, уруш мавзусини қудрату кучни тасвирлаган.

Эрамиздан аввалги 612 – йилда Вавилон ва Мидия томонидан босиб олиниб Оссурия номини олган. Лекин шунга қарамай уни санъати бошқа давлатлар санъатига кўп вақтгача таъсир қилаверади.

## Янги Вавилон санъати

Эрамиздан аввалги 7 – асрда қадимги Вавилон давлати қайтадан яшнаб ривожланиб кетади.

Мидия билан биргаликда Оссурия давлатини тиз чўктиради. Вавилон катта савдо маркази бўлиб қолади. Янги Вавилон подшолигини ободонлашиши архитектура билан манзарали щунармандлик биргалигида санъатни етакчи тури бўлиб қолади.

Шахарни майдони тў\ри тўртбурчак булиб, 10 квадрат километрдан иборат, атрофи қалин девор билан ўралган. Уни 8 та дарвозаси бор. Энг тантанали дарвоза икки қатор бўлиб уни номи “Иштар дарвозаси” деб аталади. Дарвозадан барча масъулиятли харакатлар ўтиб бажариларди, уни номини – “асосий харакат йўли” деб аташган. Бутун йўл щамда дарвозани ўзи глазурь плиталари билан ўралган бўлиб унда кўк, сиёхранг, зангори рангларни ишлатган. Унда шер ва аждарлар тасвирланган. Аждархолар эса хукумронлик рамзи бўлиб Вавилон шахрининг хомиси худо Мардукдир. Йўл асосий шахар майдонига баландликка қурилган Эсагилу худо Мардухга тақдим этилган мақбарага олиб келади.

У 7 та по\онадан иборатдир. Уни энг баландлигида кичик мақбарага шамхона бор. Шамхонани ичида тилладан ясалган тўшак ва стол бор эди.

Сарой ансанбл ичида таниқли 7 мўжизага кирган осма бо\лар бор эди. Подшох Навуходоносор уни севимли хотини медия подшсини қизи Амитиси зерикмаслик ва ўз ватанига

бо\лиқ табиатни эслатиб туриш учун қурдириб берган. Бу бо\ларда камдан – кам учрайдиган дарахтлар ўсади. Амитис энг юқорига дарахтлар ўсадиган жойга чиқарди, у ерда суний ариқчаларда шоввозлаб сув оқарди ва унга Мидияни ўз ватанини эслатиб турарди.

Сувни Евфрат дарёсидан катта чархпалакни қуллар айлантириб энг тепаликка сувни олиб беришади.

Вавилонни гўзаллиги ,кўркамлиги кўп давалатларга овоза бўлиб кетади, лекин у 10 йилдан сўниг касал холатда Вавилонни кўрди. У дарахтларни соясида баланд ёсти\ларда ёнбошлаб ва ўз орзуларини рўёбга чиқара олмай оламдан ўтиб кетди.

Вавилоннинг санъатини гуллаши кўпга етиб бормади. Эрамиздан аввалги 538 йилда Вавилонни эронликлар босиб олди. Вавилон ахмонийларга бўйин эгиб унарга қўшилади.

Калит сўзлар:

Зернь - хунарни бир тури былиб унда =имматбахо металларни диаметри 0.4 мм орали= юзага келади. +имматбахо металдан ясалган ишни матал юзасига пайванд =илишдир.

Геральдик - композиция маркази белгиланган компазиция икки ёнига симметрияли равишда =ыйилган фигуралар

Глиптика - =имматбахо ва ярим =имматбахо тошларни ыймакорлаш. Икки хил былади. Биринчиси камея - дымбайган холда ва иккинчиси инталия -ичига =иргизилган холда.

Иштар - Севги худоси, Олд Осиё хал=ларининг афсонисидан. Месопотамия Худолар пантионига: Шамаш – =уёш худоси адаттаби офат худоси, ниргал ылим худоси, ирра уруш худоси, белги

Ўз – ўзини текшириш учун саволлар

1. +адимги месопотомия бугунги қайси давлат?
2. Нима учун қадимги миср цивилизацияси Месопотамия цивилизациясига нисбатан бизларга олдин маълум?
3. Месопотамия санъати нимага асосланган?
4. Нима учун Олд Осиё усталарини Дафн сфхнилари йўқ?
5. Архитектура қурилмалари нималардан иборат?
6. Асосий ролни қайси турдаги қурилма ўйнайди?
7. +айси турдаги хунармандчилик Олд Осиё давлатининг санъатини машхур қилди?

# КРИТО-МИКЕН САНЪАТИ (ЭГЕЙ САНЪАТИ )

Крит оролининг Эгей денгиз сохилларида Эгей ёки Крито-Микен , Греция материкдаги ( Микен ва Тиринф) . Кичик Осиё сохилини \арбида ( Троя шахри) маданияти кун кечирган эди. Крито-Микен маданияти шарқ ва қадимги Греция билан бир–бирига боглайдиган бугиндир. Бу ажойиб дунёни очилишига 1910 йилда сэр Артур Эванс сабабчи бўлганди, лекин ундан илгарироқ Генрих Шлиман Троя шахрини ва унинг Приам бойликларини топишига муяссар бўлганди.

Артур Эванс узини бутун умрини эгей маданиятига бо\лаган эди. Очилишини биринчи кунлариданоқ. “Бу маданиятда на грек на римликларники бор”, деб ёзади.Артур Эванс Миной маданиятини излатишда, унинг устида бир умр ишлаши, подшощ Миносга атаганди ва Артур Эванс 1941 йилда оламдан утиб, казув ишлари тухтатилади. Афсонага оид Крит оролида Минос исмли билан бир неча подшо хукмрон қилган экан. Греклар Крит оролини миф ва афсоналар билан машхур қилганлар.Эрамиздан аввалги 2 мингинчи йилларда кадимги маданият гуллаб яшнаб ривожи топганди.Эгейликлар ва хатликлар бир қабилага қарашлидир. Гомернинг айтишича, машхур ва афсонавий Троя шахри энг қадимги маданият маркази эди.Археологик қазув ишлари натижаси қалъа деворлари , бастионлар , архитектура комплекслари топилган эди. Унинг девори ичидан хазина топилганди. эди. Унинг девори ичидан хазина топилганди.Тахминан , бу хазина Приамники , деб фараз килинган эди.

Эрамиздан аввалги 3-2 мингйилликда. Крит ороли маданий марказ бўлиб қолади.

Шу ороладаги : Кносс, Фест, Гурния шахарлари гуллаб, яшнаб кетади. Критни денгизда хукумронлиги кучайиб кетди. Денгизда карокчилик йули билан давлат хамда хукумдорлар бойиб кетишди. Дин оролда катта роль ўйнаб ва критлиларни дунёкарашига таъсир этмасликка харакат қилган эди.

## Архитектура

Эрамиздан аввалги II-мингйилликда шахарларни ривожида ва унинг хаёти юкори тараккиётга эга бўлди. Ромер айтиб беришича Крит оролида юзгача шахар бўлган экан. қурулмаларнинг турлари хар хил бўлгани учун ороли синфий ажралиш пайдо бўлгани далолат беради. Крит оролининг турар жойларида калъа деворлар йўқ, орол учун бу хатарлидир, чунки кварталда яшаш уйларининг

планировкаси нотекисдир. Хамма архитектура курилмалари асиметрияли ва плани нотў\ри шаклдир. Бунга бугунги Гурния шахрининг яшаш жойларининг режалари мисол була олади. Гурния кичик хунармандлик шахари бўлиб, унда дукончалар , уста хоналар бор. Гурниядаги уй-жойлар тепаликдан пастга қараб қурилган.

Икки-уч қаватли уйларни куриш эшиклари энига пастда бир ва щар бир қаватга яна алохида эшиклар қурилган.

Критнинг асосий шахарлари Кносс, Фест, Малида нақшланган уйлар хам учраб туради. Бу уйларда қурол аслаха ва бойликлар топилган эди. Уйларнинг детки кавати дахлисимон текис томга чиқаради. Бадавлатларнинг уйлари жуда кўп чироқлар билан ёритиларди. Ховлиси тош устуни (колонналар) билан ўралган эди. Бунга сарой қурилмалари бўйича Кносс саройи ёрқин мисол бўла олади. Уни автори дерал лекин унинг исми афсонага айтилган. Сарой плани асиссметрияли бўлиб, уни ховлиси эса жуда каттадир. Ховли атрофида щар хил баландликда ва хажмида хоналар қурилган. Уларни паст баландлиги щар хил бўлиб, улар ўзаро зина билан қўшилган. Сарой махсус хаво алмашиш жихози билан таъминланган. Шундай сарой комплексига кўпдан кўп устахоналар хамда омборлар қурилган. Артур Эванс қидирув ишлари олиб бораётганида, омборлар ичида одам бўйлик кўзалар- пивос топди. Бу идишларда олив ё\и, асал ва винолар сақланар эди. Кўпдан кўп хоналар ўзаро бир-бири билан бо\ланиб кетган , унда одам адашиб колиши мумкин қадимги винолар саройида Кносс саройини Минотавр номли махлуқ яшайди деб айтишган эдилар.

## ТАСВИРИЙ САНЪАТ

Крит оролининг ранг тасвири бизни замаономизга асосан фреска турида етиб келган , улар сарой деворларини хамда турар уйлари бузаган. Лекин миср хамда мисопотамия санъатига нисбатан крити санъати умуман бошқа дунёдир, улар бир-бирига мутлоқ ўхшамайди. Фрескаларни тасвирида: шодлик, бугуборлик, \амлик асосий мавзусидир. Мисол учун девор нақшининг фрагментини профеля тасвирлаган. Катта кўз тасвири худди миср рельефларидай лекин унда рух бошқачароқ бўлиб , Артур Эванс уни “Парижлик қиз” ёки “Буқа билан олишув” деб айтган эди. Фрескаларда ахборотлар ёки буқа бўйсундирувчилар тасвирлангандир. Фреска буқа фигураси бахайбат , кучли ва бутун фрескани эгаллаган эди. Кносс саройининг девори фрескларида “Кўк кийимдаги аёллар” бу композицияда янгилик, хаётийлик, кўнгилчанлик сезилию турарди, улар

шодиёналик қаёққадир қараб туришибди уларнинг юзлари пардозланган қўллари нозикдир. Сочлари гўзал марваридлар билан безалган. Бу гўзаллик эрамиздаги икки мингйилликнинг 2-чи ярмида мавжуд бўлди. Шу даврда Крит маданияти энг юқори погонага чиққан эди.

Нақшнинг бошқа фрагментида чиройли қорачадан келган ритон кўтариб келаётган қиз. Унинг бошида диадема , фигураси нозик , у ма\рур , хукумронликдир. Крит санъатининг текширувчилари уни шахзода ёки подшощ яқин қариндоши ёки қохин деб фараз қилишганлар. Критлар денгизни яхши қуришар эди. Улар аъло денгизчилар эди. Шунинг учун щам ранг тасвирида унинг хайвонлар хамда сув ости ўсимликлар учраб туради. Дельфинлари бошқаларни тасвир Крит сополида хам учраб туради.

Крит рассомчилари чекан сохасида щам зур дето бўлганлар. Бу тиллодан ясалган кубоклар ритонлардир. Ритон куриниши бука бошлик , кора стетатиндан ясалган. Унинг кўзлари қора хрусталлардан ясалган. Уни кўриниши мулойим , олий жаноб ва қудрат кучлига хосдир.

Крит подшолиги эрамиздан аввалги XV асргача бўлган. Ер қурилиш Критда тез -тез бўлган. Шунинг учун олимларнинг тахмини гепотеза ва вулқон уй\ониб ерни ларзага келтириб, қимирлаш натижасида орол халокатга учраган. Яна бир гепотеза , бу ташқи қурилган ахидлар босқинчилиги натижасида вайрон бўлган . Шу билан крит цивилизацияси ўзи тиклаб олмаган. Саноат ривожланмай қолди.У соддалашди. Сарой қурилиш ишлари тўхтатилди, ранг тасвир ишлари щам тўхтатилди.

## Микен

Микен оролининг Греция материк исми уч юз йил гуллаб яшнаган эди. Эрамиздан аввал XIV ва XIII асрларда Микен санъат энг юқори по\онага кўтарилган эди.

Генрих Шлимен Микен маданиятини очиб берган одамдир. Микен санъати Крит санъатига кўра қўполроқдир. Уларни нақшлари бир хил схематикдир. Айрим сахналарга динамика йўқдир. Микен санъатига Крит санъатини таъсири кўриниб туради, барибир Микен санъатида енгиллик ва гўзаллик кўринмайди.

### Архитектура

Эрамиздан аввалги XVI асрда Микен Эгей ерларига хукмронлик қила бошлади. Акрополь Микен даврида қурилган ёдгорликдир.

“Акрополь”ни комплексига сарой, мудофаа деворлари, шерли дарвоза кўпгина хаётий хоналар, омборлар ва дафн қурилмалари кирар эди. Акрополь деворлари нотў\ри формали катта тошлардан терилган (циклоник терилиш).

Шерли дарвоза, бу микенликларнинг уришқоқлигидан далолатдир. Дарвозанинг кенглиги 3,5 м дан иборатдир. Дарвозанинг тепасида тошли рельефида икки шер тасвирланган. Шерлар колоннаси қўриқлашмокда, у эса саройнинг рамзидир. Акропольни энг баландлигида сарой жойлашган. +абул учун зали мегарон турида қурилган. XIII асрда давлат бир неча қисмларга бўлиниб кетади. Энг қизиқарли, бу катта Тиринф Акропольдир. Илгари Акрополь катта эмас эди, кейинроқ унга қўшиб “пастки шахар” курилди. Бу шахар, агарда тўсатдан хавли вазият тугилса, унда Акрополь атрофидаги ахоли пасти шахарга кириб яшаш учун қурилган. Тиринф мегаронинг Микендан анча катта ва кенгдир. Саройга пропериялар олиб келади. Сарой курилмалардан ташқари культ қурилмалари хам бор.Бунга артерия губбали макбараси, уни планида бу думалокдир.Ду камера узун йўлак ( дромос) олиб келади. Дромоснинг узунлиги 36 метр,кенглиб6 метрдан иборатдир. Катта юмалоқ камера кубба билан қопланган ,унинг диаметри 14,5 метрдан иборатдир.

## Тасвирий санъат

Тиринф ва Микен саройларининг девори фреска билан ясалган. Фризалар нақшланган эди. Саройнинг ташқари кўриниши дахшатли эди, лекин унинг ички кўриниши интерьер, бўлса гўзаллик билан безалган эди.

Бу ерда тез-тез учрайдиган кураш хамда ов сахналаридир.

Гомер Микенни олтинли деб аталган. Хақиқатдан щам Микен дафн мақбаралидан жуда кўп тилло ва кумушдан ясалган предметлар топилган. Уларнинг жуда катталик билан нозикли қилиб ясалган. Улардан: кубок, вазалар, товоқлар олтиндан ясалган товоқлар, бронзадан ясалган қиличлар уларнинг дастаси фил суягидандир. Ханжарлар дастаси инкустацияланган .

Троян уруши даврида (эрамиздан аввалги XIIIаср) эга ерлардаги қулдор давлатлар иқтисодиёти заифлашади. Шу сабабдан уларни дорийликлар-грек кабиласи томонидан босиб олинади. Шу билан янги маданият йўл очилади. Эгей давлатларини

маданияти Греция ва Рим саноатини ривожланишида катта роль ўйнайди.

Калит сўзлар:

Гомер- =адимги грек достончиси, «Иллиада», «Одиссея» поэмасининг муаллифи эрамиздан аввалги VI асрда

Минотавр- афсонавий хайвон ярим одам, ярими бу=а, достонига оид, у лабиринта яшаган

Ритон- урф одат учун мугиздан ясалган идиш.
Диадема- бошга кийиладиган зеби зийнат тожига ухшаган.

Акрополь- тепаликка =урилган шахарни мудофалаган бир =исми

Мегарон- тарздаги тыртбурчак хона, ыртасида эса ычо= =урилган

Пропилеи – Шахар кириш жойидаги архитектура ансамблининг даб – дабали дарвозаси

Ўз – ўзини текшириш учун саволлар;

1. Эгей маданияти ким очган?
2. Крит саноатини негизида нима бор?
3. Камерас айтиладиган идишлар ,бу нима ва қанақадир?
4. Крит архитектурасининг хусусияти?
5.Микен архитектураси ва тасвирий санъати Критникидан нимаси билан фарқ қилади?

## Қадимги Греция санъати

қадимги Греция санъати маданиятининг ривожланиши одамзоднинг тарихида бу ходиса энг катта ахамиятга эгадир. Маданият : Болқон яриморолида, Эгей денгизи оролларида, Кичик Осиёда, қора денгизининг сохилларида, «Буюк Грецияда» (Италия ва Сицилияда).

Субтропик иқлим дехқончилик ва чорвачиликка қулай ша-роитлар яратади. Греция бошқа давлатлар билан савдогарлик қилади. Бу денгизчиликда унинг ривожига таъсир қилади. Антик Грецияда янги саноатсозлик умумхалқ ўзаро келишувлари натижасида ер билан шу\улланиш хамда хунармандчиликни ривожланишига ижобий таъсир қилди. Шу билан бирга фан ва санъат хам ривожлана бошлади. Греция жамияти хукумат томонидан золимлик ва дин арбоблари томонидан қисилмаган эди. Шу сабабли реалистик санъати пайдо бўлди, бунда одамзодни хаётий кучини ардоқлашдир: «Одам – хамма нарсани ўлчовидир» - Грек файласуфи Протагор шундай деган эди:

Шунинг учун хам қадимги Грецияда тақдир ва табиат кучини образини катта хайвон ёки махлуқ сифатида тасвирламаган эди. Худоларни жахлдор ёки мулойимли, лекин чиройли, одам юзли, одамга нисбатан қудратлироқ қилиб тасвирлаганлар.

қадимги Грецияни бутун санъати достон ва афсоналарга асосланиб одамзодга яратилган. қадимги Греция санъати босқичлаб аста-секин олийлаб ривожланган.

Энг қадимги давр – бу Гомер ва эрта архаик давридир. У ўз ичига эрамиздан аввалги XI – IX асрларни ва эрамиздан VII- VI асрлар архаик даври, эрамиздан аввалги VI-I-эллинизм давридир.

## Гомер даври

XI-VIII асрлар кадимги Греция тарихи деярли номаълумдир.

Бу даврларни фақат Гомернинг сўзларидан биламиз. Унда таниқли эпослар "Иллиада" ва "Одиссея " ёзилган ходисалардандир.

Гомер даврида жамиятнинг асосий қисмини мустақил қишлоқ хўжалиги билан банд бўлишган дехқонлар ташкил қиларди. Улар бирлашиб кабилани ташкил қилардилар, уларга дохиллар рахбарлик қилишарди.

Дохий – басилевс. Басилевс – харбий бошлиқ, қози, кохин-лардан иборатдир. Уларнинг қўлида жуда катта бойлик бор эди.

## Архитектура

Археология қазилмаларига оид, қадимги турар уйлар бир томони юмалоқсимон бўлиб қурилар эди. Уйлар пахса ёки тошлардан терилиб, устини текис қилиб қопланарди. Уй асосий хона – мегарон портикдан иборатдир.

Мегарон ичида ўчоқ қурилиб, уни устида, томида тутун чикадиган тешик қолдирилар эди.

Эхромлар шахар майдонига, ансамблига ёки мустахкам-ланган қаср – Акрополга қўшилар эди.

Энг қадимги эхромлар эрамиздан аввалги IX-VIII асрларга оиддир. Дреросдаги эхром мегарондан иборат икки устунли бўлиб, хонани ичида қурбонлик учун – ўчоқ қурилган эди. Худди шунақа қурилма яшаш хонада хам бор эди. Махсус жойда бронзадан ясалган хайкалчалар турарди. Деворлар тошдан терилган эди. Спартадаги Артемида Орфея эхроми (эрамиздан аввалги IX асрда) плани легарондан фарқ қилади. Эхром узунчоқли қурилишдан иборат бўлиб, икки нефга бўлинган. Мехроб эса ташқарига қурилган. Эхром устунлари ё\очдан қурилган эди.

## Тасвирий санъат

Гомер даврида дабдабали хайкалтарошлик ривож топмаган эди. Лекин тошдан қўпол равишда тарашланган ёки ё\очдан ясалган санамлар – ксоан учраб турарди. Шу даврдан бизларга қаътий геометрияли, орнаментли сополлар етиб келган. Аввал оддий, юмалоқ тепасида чизиқлар бор эди. Сўнг хар хил охангли: бу; одамлар, хайвонлар тасвирларидир.

Стил–меандр орнамент пайдо бўлади. Мисол учун, Дипилондаги гўр устига қўйилган – кратер – (кўза) (Нью-Йорк, Метрополитен музейи). У кратерда дафн маросими тасвирланган бўлиб, одамларни ва хайвонларни геометрия шаклидаги фигуралари кўзани атрофига тасвирланган. Шарқ дашт халқи усталарини хамда Крит усталарини стили кўриниб турарди.

## Архаик Греция
## (эрамиздан аввалги VII-VI асрлар)

Греция тарихида эрамиздан аввалги VIII-VI асрларни архаик даври бўлиб хисобланади. Бу даврда антик жамият ривожлана бошлади.

Катта ер эгалари ва демослар ўртасида кескин курашлар бошланиб кетади. Синфий курашларни кескинлашиши натижасида вақтинча хокимият тиранларини қўлига ўтарди.

Тиранлар ўзига таянч қилдириб, мустақил халойиқ олдига берардилар, улар хунармандларга, савдогарларга хомийлик қиларди. Айнан шу даврда антик маданиятини асосий орнаментлари ту\ила бошлади. Бу: фалсафа, фан, адабиётни асосий жанрлари, театр, ордер архитектураси ва спортдир. Грек халқини маданиятида бир-бирига қўшиладиган ту\илган деб фараз қилинади, бу: эгей, дорий ва шарқ маданиятларидир.

Эгей санъати хаётий кучини кичик Осиёда асраб қолган эди. Бу қадимги Грецияни динини кўтариш учун керак эди. Дорий санъати қаътий бадиий стилни олиб кирган эди. Шарқ эса Миср ва Месопотамия санъатини ўзи бадиий образларни ижодини, уларни аниқлик, пластикли ва тасвирий формалари олиб келган эди.

## Архитектура

Архаик даврнинг архитектура қурилмалари бизнинг замонимизга, афсуски, бузилиб вайрона бўлиб, етиб келган. Критни саройли қурилишларига нисбатан. Грек архитектураси биринчиликда эхром қурилмалари эди. Лекин, Грек эхромлари, аввалдан, алохида уйни вазифаси бор эди. Эхромларда чўқиниш учун халойик йи\илмасди. Дин обидаларни ўтқазиш учун, улар очиқ осмон тагида йи\илишарди. Греклар эхром ичида фақат худоларни хайкаллари учун мослашилгандир.
Бу ”Турар жой” авлиёли эмасдур, лекин худони ўзиники бўлиб, худди Вавилон зиккуратни юқори минорасидай, уни, олий хазратлари образидаги худолардир. Шунинг учун хам эхром гўзал бўлиш керак. Грек эхроми Микен мегаронидан пайдо бўлган эди. Худо хайкали шамхонага қўйилади, у ерда Микен мегаронида ўчоқ қурилгандир. қуёш ериги фақат ёри\идан кирар эди. Шунинг учун у хонада хамиша қорон\ироқ эди. Шу вазият қандайдир алохида тантанали кайфият яратиб бергандай бўлиб туйилади. Бу олимларни гипотезасидир, чунки эхромлар майдаланиб вайрона бўлган холда бизларнинг кунимизга етиб келган. Устунлар тантанали холда целлани атрофига қўйилган, ана шу қурилиш грекларни эхромига хосдир.

Архаик даврида грек эхромларнинг турлари ўзгаради, уларни энг оддийдан, токи планида энг мураккаблашган холда бўлиши учраб туради. Эхром турларида эволюция бўлади. У янада мегаронни эслатиб туради. Эхром наосдан ва портик-пронаосдан иборатдир. Икки устун билан чиқарилган деворлар орасидаги масофа ёки бўшлиқ. Эхромни тўртта устунлар билан чиқарилган портик, наос олдига простиль деб аталади. Энг қадимги эхромлар мегарондай ховлини турига қуриларди.

Эхромларни очиқ жойда қуриш даври бошланганда, эхром тури икки портикли тўртта устунли ён томондаги тарзда амфипростилдир.

Кейинроқ эхромларни хамма томонига устун қўйиш, эхром қурилишларида асос бўлди.

Грециянинг сиёсий ва маданий кўтарилишига, грекларни форслар устидан қилган \алабасига атаб ёдгорлик қурилган эди. Бу Олимпиядаги архитектор Либон томонидан қурилган Зевс эхромидир. Унинг формаси ва пропорцияси дорий периптерли, у олий даражада қурилгандир.

Зевс эхроми устунларини баландлиги 10,4 метрдан иборатдир. Наос ичида, биринчи қатордаги устунлари устида галерея бор эди.

Ўрта нефда катта Зевс хайкали қўйилганди. У хайкални улу\ грек хайкалтароши Фидий ишлаганди. Хайкал нақадар катталигидан уни боши, у тахтда ўтирган холатда бўлса хам шипга тегай-тегай деб туради. Шарқий тарзида фронтонида колесница мусобақасини сахнаси тасвирланган. /арбда эса – латифаларни кентавр билан жанг қилган жангчи тасвирланган.

Зевс эхроми бизни замонимизгача бузилган, вайрона бўлган холда етиб келган.

Пестумдаги Посейдон эхроми бизни замонамизга дурустроқ холда етиб келгандир. У дорий эхроми бўлиб, кучни гавдалантиради. Хамма культ қурилмаларидай Посейдон эхроми хам планида тў\ри бурчакли, Периптер турида қурилгандир. Эхром ичида икки қаторли галерея бор. Тарзи қаътий, хайкаллар билан безалмаган.

## Хайкалтарошлик

Эрта классик хайкалтарошликда классик юксак мақсад \алабасини тасдиқлашдир.

Бронза хайкалчини энг яхши кўрган материали бўлиб қолди. Бронза тошга нисбатан қобил материалдир. Унда фигураларни хар хил йўналишини тасвирлаш осон, хаттоки устани ўзи ўйлаб топган йўналишини хам.

Улу\ хайкалтарош Мирон эрамизддан аввалги V асрни ўрталарида Афинада яшаган ва ишлаган эди. Уни яратган хайкали тасвирий санъати ривожланишига жуда катта таъсир этди. Бу уни бронзадан ясаган «Дискобол» хайкалидир. Афсуски, бизни замонимизга уни мармардан ясалган копияси етиб келган.

«Дискобол» (диск отувчи) у о\ир дискни узоққа отишга тайёр бўлган тарзда хайкалчи яратган. Унинг мускуллари таранг тортилган, гавдаси ёйсимон эгилган, лекин юзи хотиржамлидир. Балким кескин юзли бўлганда уни олийжаноблик образи йўқолар эди.

Яна бир улу\ хайкалтарош – Поликлет, ўз санъатида одам фигурасини тинч холатида ёки аста юриш мувозанатида ўрганади.

«Дорифор» – ёш йигит найза кўтарувчи, номи билан аталган хайкал, шу фигурага намуна бўлиб хизмат қилади. Бу хайкал бронзали асил нусхасидан олиниб  бизнинг замонамизга тошдан ясалган копияси етиб келган. Бу образда жисмоний ва ички дунёси бир-бирига мосланади,  бу фақат хайкалгина эмас,  балки санъат қонунидир. Поликлет, ўзини бутун ижодий умрини одам танасини идеал пропорциясини аниқлашга ба\ишлаган.

Поликлетнинг хисобига қараганда одамни бутун узунликдан: боши 7,7 қисмини, юз ва  кафти – 1,10 қисмини, оё\ босқичи 1,6 қисмини ташкил этади. Лекин, хозирги кунда уни хисобини ўлчаб чиқсак у фигура «квадратсимон» бахайбатли бўлиб чиқади. «Дорифор» худди шунуқа ўлчовга эга эди. Лекин, Поликлет жуда хам кам хайкаллар яратди. У қонун изохини яратган, унда одамни гавдасини идеал пропорцияларини ўлчовини изохлаб берган. Бу юксак даврда одамни тўла  имконини аниқлаш-санъатнинг нишонаси-поэзия, фалсафа ва фандир.

## Рангтасвир

Классик даврда рангтасвир кенг қўлланила бошлади. Товоқ чизиш гуллаб-яшнаб кетди. Таниқли усталардан Ефроний, Ефтимид, Дорис ва бошқалар. қизил фигурали вазалар чизиш кенг тарқалиб кетди. Достонли сахна ва кундалик хўжалик хаётий сахналар ишлатишга қараб, мослашиб яратиларди.

Бу: лекиф, амфора, гидрия, килик ва бошқалардан иборатдир. Ефроний, энг шухрат қозонган қизил фигурали товоқ чизиш усталаридан биридир. У энг нозик ва энг гўзал асарлар яратди. Унга таниқли  «қалдир\очли товоқ» номли асари мисол бўла олади. Товоқни сиртига ёш йигит, эркак ва болани бахор кутиб олиши тасвирланган.

## Юқори классика
## (Эрамиздан аввалги V асрнинг иккинчи ярми)

Грек санъати Юқори классик даврида, Перикл хокимлик қилаётган вақтда  гуллаб яшнаб кетди. Афина Грецияни сиёсий ва маданий маркази бўлиб қолди.

Денгизда ва қуруқда Персияни устидан қилинган \алабадан сўнг Грецияга катта бойликлар оқиб кела бошлади. Шу келаётган бойликлардан Перикл фойдаланиб таниқли Акропольдаги архитектура ансамбилини қурилишини бошлаб юборди.

Афинадаги Акрополь ва унда жойлашган  архаик даврида қурилган қурилмалар батамом форслар томонидан эрамиздан аввалги 480-479 йилларда бузиб ташланган эди. Кейинроқ, Перикл даврида

хамма ахамиятли ансамбль ёдгорликлари қайтада қурилган эди. Парфенон – Афинани бош эхроми бўлиб, унда Парфенон (дави) Афина шахрини хомийларидир. Эхром тош қояларини жанубий қисмини энг юқори нуқтасига жойлашган. Эхром перинтер турида қурилган. Бу ажойиб таниқли қурилма дунёни етти мўжизасига киритилган бўлиб, уни муаллифи Иктин ва Калликрат эди. Бу ерда хазина хам жойлаган эди. Парфенон энг катта дорий эхромларидандир. Парфенон ордери эхромларининг ордерларидан фарқ қилади. Устунларни баландлиги 10,4 метрдан иборатдир, уларни пропорцияси нозикроқ бўлиб, салгина ичкарига ёнбошлатилган. Парфенон хайкалларини Фидий ва унинг рахбарлиги остида Грециянинг энг яхши усталари яратган эдилар. /арбий Фронтон группаси Афина билан Посейдон ўртасидаги Аттикни ўзига қўшиб олиши учун бўлган жанжали ифодаланган. Шунингдек, қахрамонлик достонларидан кентавр билан курашиш, Трояни босиб олишлар ифодалангандир. Панафиней фризини узунлиги 160 метрдан иборат бўлиб, уни ичида юзтага яқин, худоларни хайкаллари, одамларни, отларни, қурбон учун аталган хайвонларни тасвирланган эди. Томошабин олдида панафсеней юриши тасвирланган. Целни ичида Пропилей, акропол таркибига киритилган, уни архитектор Мнесикл томонидан яратилгандир. Акропол тўла оқ телий мармаридан қурилгандир. Пропилейи анча бой ва тароққиёли ва кириш жойларини бахайбатли мисолидир. Пропилейларда ион ва дорий ордерлар тартибида ўзгариш бўлган. Кириш дарвозалар ёнида Пинакотека (бадиий асарлар йи\илиши) ва Ники-Аптерос (қанотсиз \алаба) жойлашган эди. Бу қурилмани муаллифи Колмекратдир. Бу эхромни /алабалар худосига атаб қурилган эди. Бино амфипростил турида, ионий ордерлар усулида қурилган. Эхром қўйилган майдон мармарли парапет билан ўралган бўлиб, унда рельефли чиройли хайкаллар билан безатилган. Эхром олдида Мики мехроби қурилган. Акропол марказида кўргули Афина Промахос (Афина воительница) хайкали қўйилган эди. У бронзадан Фидий томонидан ясалганди. Парфенонни чап томонида авлиё тепаликнинг қаршисида Эрехтейон эхроми қаддини кўтариб турганди. Бу эхром, Афина ва Посейдонга атаб, Фидий Афинадан кетгандан кейин қурилган эди.

Эрехтейон-ионий стилидаги нозикли нодир асардир. Олтита нозик ва гўзал мармардан ясалган қизлар пеплосда машхурли Кариатидадан. Улар жанубий портикида устун вазифасини бажариб турибдилар. Капител саватга ўхшаб, гўёки қохинлар унда культ анжомларини кўтариб келаётгандайдир. На одам, на вақт бу эхромни, Парфенонни рахм-шафқат қилди. Бу хамма архитектура ёдгорликлари бизни замонамизга вайрона бўлиб етиб келди.

Туркия – Венеция уруши давомида, Парфенонда порох омбори жойлашган эди, унга снаряд тушиб, кўп қисми портлаб кетади, лекин турклар даврида харамхонага айлантирилади.

## Хайкалтарошлик

Юқори классик хайкалтарошликда улу\ хайкалга Фидий ижодини тақдим этади.

Фидий Афинада тахминан эрамиздан аввалги 500 йилларда ту\илган ва 430 йилларда оламдан ўтган. У энг истедодли улу\ архитектор хайкалтарош ва рассом устаси. Акрополни яратиш уни улу\вор ишидир. У рангтасвирда хам улу\ланган эди. У дабдабали хайкаллар яратиб, янада кичик хайкалчаларни пластик формаларини яратишда хам усталик қилган. Улу\ Фидий, янада улу\ файласуф бўлган. қадимги муаллифлар гувохлик қилиб ёзади, -у яратган образларда. Одамни юқори олийжаноблигини кўрсатиб бера олган эди. Уни яратган 14 метрлик Зевс хайкали юқори олийжаноблик образидир. У хайкални Олимпиядаги Зевс эхроми учун яратган эди. Хайкал бошқа ёдгорликлар билан бирга вайрона бўлиб йўқолиб кетди. Бу хайкал хризоэлефантин техникасида бажарилиб, «Дунёни етти мўъжизаси» дан бири бўлиб хисобланади. Акрополдаги Афина хайкалини хам Фидий яратган эди. У худди Зевс хайкалидай олтин хамда фил суякларидан ясалган эди. Тиллодан ясалган гавда ниқоби ва кийимларга ёру\лик тушганда фил суяклари, юз, бўйин, қўллар ярқираб кетади.

У қўлини узатиб турган, уни каптидаги худо аёл Ники (/алаба), уни юзи хотиржам, қараши эса тиниқ, ички дунё қараши ёру\лик билан уни юзлари гўзаллашиб ярқираб кетади. Уни образи қўрқитиш эмас, балки \алабани хурсандчилик туй\уларини кўрсатиб туради.

## Товоқ чизиш ва рангтасвир

Юқори классик даврида товоқ чизиш дабдабали рангтасвир билан бир қаторда ривожланган эди. Уларда кўпроқ достонли мавзулар тасвирланарди. Дабдабали рангтасвир бизни замонамизга деярли етиб келмаган. Улар тў\рисида бизлар тавоқ чизиш тасвири хамда адабиёт манбаидан биламиз холос. қадимда кўпроқ фрезки техникасини ишлатарди. Яна мўм ва сироч бўёқлари ишлатарди (энкаустика). Рассомчиларни исмлари хам сақланиб бизни кунларимизга етиб келган ва уларни кўпини исмлари бизларга маълум, улардан бири Полегнотдир. У ўз асарларида тарихий ва достон мавзуларини тасвирларди. Рангтасвир композициялари товоқдаги нақшларни бажариш характери бир-бирига ўхшашдир.

Рассомчи тўрт хил ранг бўёқларини ишлатган: оқ, свариқ, қизил ва қоралардир. Рассомчини расмлари олий даражалидир.

## Кечки классикаси
## (эрамиздан аввалги V-VI асрлар)

Македонияли Александр Шарқ ерларини босиб олгандан сўнг, грек полюсларини этод қилдирганда классик даврини Греция тарихи тамом бўлади, бу фалсафа ва санъатда мустақил фуқаро, мустақил одам идеалини йўқотишдир. Фуқаролик, ватанпарварлик рухи бўшашиб кетади.

## Архитектура

Архитектура бир текистда ривожланмади. Иқтисод пасайиб ва миллий кризислар сабабли қурилишлар деярли тўхтатилади. Афинада бу жуда хам сезилади, чунки Пеллопонес урушида улар ма\лубиятга учраган эди.

Эрамиздан аввалги IV асрда қурилишлар негизида ордерли усулни қўллашади. Эхромлар билан бир қаторда театр қурилишлари хам авж олиб кетади.

Спектакллар очиқ осмон тагида бўлиб ўтади. Тепалик атрофларидаги дарахтларни аралаб, у ерларни тмошабинларга мостлашар эди.

Эпидавр театрида 52 қатор ўтиргичлар бор эди. Орхестра – майдон артистлар учун жой (сахна деса бўлади). У ёки думалоқ ёки ярим думалоқли бўлади. Театрни акустикаси ўзига мос эди.

Айрим шахсларга оид этиб, уларни кўкка кўтариш учун қурилмалар пайдо бўла бошланади. Лизикрат хайкали бунга мисол бўлади. У ўзи билан цилиндр шаклида бўлиб, пилястрли амалийлаштирилгандир. Хайкал кубсимон конусли цоколга ўрнатилган. Бу хайкал хажми катта эмас, лекин коринф ордери турида ясалгани учун, у жуда нозик ва гўзалдир.

## Хайкалтарошлик

Хайкалтарошликда реализм тенденциялари тараққиёт этади. Даврни фожеяли қарама-қаршиликлари, энг катта усталардан бири – Скопас ижодида тасвирланади. Скопас қадимги Грецияни шахарларида ижод этган. Унинг асарлари катта драматизм билан фарқ қилади. Скопас қахрамонлари – кучли шавқатли одамлар, юқори классик қахрамонларига оиддир.

Кўпчилик ўша давр усталари бронза билан ижодини бо\лаган бўлса, Скопас эса мармар билан ишлашни афзал кўрган эди.

Мармар нур ва сояни нозик, ингичка ўйинларини кўрсатарди. Скопасни таниқли асарларидан бири «Менада». У бизларгача бузилган холда антик копияси етиб келган. Бу асарда одамни кучланиши образи акс эттирилган. Мернада рақси тезликдир, уни боши орқага ташланган, сочлари о\ир тўлқиндай елкасига тушгандир.

Скопас қахрамонлари баъзан ўйлаш холида, ёки жонли оташиндир. Галикарнасс мақбараси фризлари сақланиб, бизларга етиб келган. Унда греклар билан амазонкалар ўртасидаги жанг тасвирланган (Лондон, Британия музейи). Нур билан тусланиш кескин котракт композиция драматизмни кўрсатади.

Скопас ижоди грек пластикасига катта таъсир қилди. Уни ижодини фақат, уни замондоши – Пракситель билан тенглаштирса бўлади.

Пракситель. У яратган образлар тиниқ ва равшандир. Праксител тасвирлаган қахрамонлари гормонал идроқли ва чиройли эди. Пракситель усталиги мармар группасида «Гермес билан Дионис» (Олимпия, Археология музейи). Маълум бўлиб, кўринади. Пракситель хам Скопасга ўхшаб, мармар билан ишлашни яхши кўрарди.

Пракситель аёл гўзаллигини янги идеалини яратди, унга Афродита образи мисол бўла олади. Ўша қадимги замонда Афродита хайкали қиммат бахоланган эди.

Афродита Книдскаяни кўп усталар копиясини ясамоқчи бўлишди, лекин биттаси хам асл нусхасига тенг келолмади. Бу хайкал бизларни замонимизга римликларнинг копиясида етиб келган. Уларнинг энг яхшилари Ватикан ва Мюнхен музейларида сақланяпти. Пракситель ясаган баъзи хайкалларни рангтасвирчи Никие томонидан бўяб қўйилган эди.

Леохар. Леохар асарларини идеаллаштириш бўйича йўналишини энг кўзга кўринган бўлиб, у Александр Македонсикийнинг сарой устаси бўлган эди.

Унинг шухрат қозонган асарларидан бири – Аполлон Бельведерский хайкали (Рим. Ватикан). Юқори профессиональизм усталиги билан бажарилган асардир. Унда совуқ осойишталик тантанали бўлиб кўринади.

Лисипп. Реалистик йўналишда Лисипп энг катта усталардан бири, укеч классикани сўнги муаллифидир. Бронзадан ясалган, баландлиги 20 метрдан иборат, Зевс хайкалини ясаган устадир. Афсуски, бизларнинг кунимизга етиб келмаган. Яна столга ўрнатиладиган Геракл хайкалчасини яратган эди.

Лисипп бу хайкалчани Александр Македонскийдан ясаб берган эди. Одомзодни образини Лисиппни ўзича тушунишини йигитнинг хайкалида кўрсатиб берди. Унда, йигит курашдан сўнг баданига ёпишган қумни тозалаши, - «Апоксиомен» (Рим. Ватикан). Уста кураш даврини эмас, курашдан сўнг, осойишта холатини кўрсатган эди. Атлетни келишган фигурасини гавдасини мураккаб бузилишида кўрсатган. Харакати озодлик билан фазода бурилгандир. Юзида чарчаганлик, кўзлари чуқур жойлашиб узоққа боқиб турибди. Липисс усталик билан осойишталик мувозанатидан харакатга ёки уни акси холатини кўрсатиб беради. Унга дам олувчи Гермес (Неаполь, миллий музей) мисол бўла олади.

Лисипп ўзининг хайкалтарошлик портретизмида хам ўзини усталигини кўрсатаолади. У Александр Македонский портретини яратади, унда у ўз қахрамонини ички дунёсини кўрсатиб бера олади.

## Товоқ чизиш ва рангтасвир

Классик даврининг охирида тавоқ чизиш характери ўзгаради. Энди кўпроқ орнаментли нақшлар учраб туради.

қахрамонли сюжетларнинг ўрнига жанрли, лирикали тасвирлар пайдо бўла бошлади.

Рангтасвир хам худди шундай ривожланади. Таниқли асар – Афродита анордмена рассомчи аппилестор.

1940 йили казанлик мақбарасида нотаниш грек устасини нодир деворий нақшлари ва пелледа (Македония) гўзал ишланган мазейка топилган эди.

## Бадиий хунарлар

Кеч классик даврда бадиий хунарлар яшнаган эди. Тавоқларни формалари мураккаблашган эди. Металдан ясалган буюмлар: кушли идиш, тиллаланган кубоклар ва бошқалар файдо бўлди.

Кеч классик санъати ўзининг катта ва узун серунумли йўлини қадимги Грек санъатидаги тараққиётини тугатди.

Калит сўзлар:

Антик – (лотин antguus) - қадимги, оид.

Меандр - қадимги грек ёки қадимги римликча-жамият, тузум, маданиятга, санъатга.
Кратер – грек идишини тури, унда вино билан сувни аралаштирилган.
Демос - қадимги Греция халқи, аристократияни қарама-қаршиси. қуллар демос қаторига қўшилмайди.
Тиран - қадимги Грецияда – хокимиятни, куч ишлатиб, қўлга олган шахс.
Анти – (лотин. Antac) – антиқа эхтиромни икки ён деворни давоми, у тарзда чиқиб туради, уни орасида калонналар қўйилади.
Пронаос - қадимги Грецияни эхромини эшик олди.
Амфипростиль – Икки тамони портикли эхром.
Фуст – устун, калонна ўзаги
Атлантлар - қадимги грек достонидан (Великан – бахайбат одам), Зевсни буйру\и билан қўллари ва боши билан осмонни ушлаб турган.
Кариатидалар – архитектура қурилмасида тусинни ушлаб турадиган хайкал у калоннани тиралиб ушлаб туриш функциясини бажаради.
Метоплар - қадимги Грецияни архитектор қурилмасида триглифлар орасидаги масофа дорий ордер фризасида.
Триглифлар – архитектрурада тў\рибурчакли, учта вертикальли кескин навлар тоши уларни метопалар билан бирга дорий ордер фризасини ташкил қилади.
Фронтон – архитектура қурилмасида учбурчакли майдон бинони томини икки томонга о\иши.
Хитон - қадимги грекларнинг ички кийими, кўйнакка ўхшаган, белбо\ билан бойланади.
Пеплос – плаш.
Кентавлар -қадимги грекларда достонли кимса – ярим одам – ярим от.
Тезей - қадимги грек достонидан минотаврни ўлдирган - қахрамон.
Геракл - қадимги грек достон қахрамони, катта кучга эгадир.
Неф - архитектурада калонналар билан бўлинган эхромни бўйини бир кисми.
Посейдон - =адимги грек достонидан – денгиз худоси, =адимги римча - Нептун
Дунёни 7 мўж

бо\лари, Олимпиядаги Зевс хайкали,
Галикорнак мақбараси, Афеседаги Артемида
Эхроми, Колосс Родосский, Маросс машами.

Панафиней - қадимги Грецияда ретуал байрами, тўрт йилда бир марта бўлади, унда Афинага тикилган пеплос хадя қилинади.

Парапет – панжара.

Пилястрлар – архитектура қурилмасида девардан чиқиб турган тўртбурчакли устун, ордер калоннаси формасида ишлов берилган.

Гермес - қадимги грек достоидан савдо худоси, йўллар хомийси. Уни хайкални йўлларни чорахасига қўйиларди. қадимги Рим достонида–Меркурийдир.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1. Грек санъати қайси даврларга бўлинади?
2. Эрамиздан аввалги XI-VIII асрлар нима учун «Гомер даври» дейилади?
3. Архаик, классик даврларда архитектура қандай ривожланган?
4. қадимги Грецияни машхур хайкалтарошларни номини айтиб беринг.
5. қадимги Грецияни рангтасвири қандай қилиб ривожланган?

## Рим санъати

Эрамиздан аввалги биринчи асрдан Элита давлатларининг парчаланиши даври былиб, Рим санъати бошқарувчи ролини ыйнайди. Римликлар қадимги Греция санъатидан кыпгинасини ызиники қилиб олган. Рим давлати катта ерларга эга былиб, у \арбдан Геркулес устунидан (хозирги Гибралтор), шарқдан Хиндистонгача, шимолда Британия оролидан то Африка контитентигача жанубдадир. Рим бадиий маданиятини негизида равшанлик билан дунё қарашлик, хисоблик, қатъий адабиётлик. Албатта буни бари Грек достонлик ижодидан узоқда эди. Рим маданиятини амалий тузилиши щар сохада сезилиб ёки кыриниб туради. Рим худолари - бу одам хаётида алохида щар-хил тур фаолияти быйича былиб, энг асосийчиси умумхалк ( омад худоси, серхосил худоси ва хоказолар). Дин давлат миқёсида былиб, катта ахамиятга эга эди. У тантанали маросимларда керак эди. +адимги Рим санъатини босқичлар орқали кырса былади. +адимги Рим санъатини бошланиши Республика даври эрамиздан аввалги V-I асрлардир.

Рим бадиий маданияти хар-хил формаларда былган эди. Рим санъатига, босиб олинган давлатлар халқини санъати хам қышиларди, бунда биринчи навбатда кудратли этруслардир. Улар римликларни шахар қурилиш ишлари санъати билан таништирдилар. (свод турлари, тоскан ордери, инженерли қурилмалар эхромлар ва турар уйлар) деворий дабдабали рангтасвир, хайкалтарошлик ва хоказолардир. Рим маданиятига грек колонистлари катта таъсир қилганлар . Римликлар фақат асосан грек архитектурасини ордер системасини ва декорини типларини такрорлаганлар Рим санъатига эллинизм даври катта таьсир килган. Рим санъатини гуллаш даврисида катта ролни архитектура ыйнаганди. Римликлар инженерлик қурулмаларни қир\изганлар (акведуклар,купириклар,йуллар,кальалар).Уларни умум хаёти йи\илиш майдонида ытарди. У янада пойтахт савдо маркази хам эди. Архитектура ансамблига эхромлар, базилика савдо расталари, бозорлар кирарди. Марказий майдан таниқли шахар фуқароларини хайкаллари билан безаларди. Рим жамиятини ихтиёжи катта былиб, кыпдан-кып хил қурилишлар; амфитеатрлар, термалар (хаммом), тантанали аркалар, акведуклар ва хоказолардир. Римликларни жамоа қурилишидаги катта \алабаси, бу бахайбат ички бышлиқлардир. Уларни устини ёпиш учун қаттим тепали конструкция ва гумбаз ясаш керак эди. Асосийси устини ёпишда қилинарли былиб, у тош ва бетондан иборат эди. Уларни қурилишдаги \алабалари яхши былганига қарамай уларда барибир бирор камчиликлар щам топиларди.

## Рим Республикаси.

Эрамиздан аввалги VI ва I асрларнинг охиридир. Рим тарихи табирида кичкина қабиладан бошланган эди. Эрамиздан аввалги VI асрни охирисида Рим аристократли қулли давлат республика былиб қолади. Эрамиздан аввалги II асрнинг ыртасида Рим қудратли давлатга айланади. Мол бойликлар енгилган кичик давлатлардан оқиб келаверади ва Рим бойиб кетади. Лекин Рим республикасида қишлоқ ахолисининг ерлар учун олиб борган урушлари, фуқаро урушлари, қулларнинг қыз\олонлари (Сицилиядаги қуллар қыз\олони, энг катта спартак рахбарлигидаги қыз\олон) буларнинг бари давлат кризисга учраганидан далолат беради. Фуқаролар уруши ва қызголонларни бартараф этилиши билан бирга республикада империя томонидан қаттим усулида олиб борган рахбарлиги натижасида гуллаш даври бошланади.

### Архитектура

Республика даврида асосий архитектура турлари белгиланади. +адимги катта Рим атрофидаги мудофаа деворлари қурилган эди. Уни эрамиздан аввалги VIII асрда уч тепаликдан бошланган; Капитолий, Палантин ва Квиринал тошдан терилган эди. Рим йыллари катта ахамиятга эга былиб, республикани шахарларининг бир-бири билан богларди. Рим караб келаётган Аппиев йули биринчи даражали былиб, ундан хабарчилар қатнарди, сынг бутун Италияни шахарлари бир-бири билан йыл тармоқлари билан бо\лади. Сынги асрларда Рим шахри сув билан щам ызини таъминлаб шу сохада бой шахарлардан бири былиб қолади. Катта бақувват кыприклар ва акведуклар ун километрдан щам узунроқ былади. Греция ва эллинистик шахарлари устидан хукмронлиги натижасида Римга нозиклик ва дабдабалик кириб келади. Римга кып миқдорда таниқли грек хайкаллари ва грек рассом усталарини таниқли портрет хамда рассомлари олиб келинади. Рим эхромлари , саройлари , музейларга айланиб кетади,

Римликлар аввалом бор, грекларнинг ордер системасига эътибор беришади. Грецияда ордер конструктив ролини ыйнаган былса, Римда эса асосан декоратив сифатида ишлатган. Тиргач ролини Рим қуришларида оддий девор бажаради. Шунинг учун қуришларида кыпинча арка ишлатилиб, у катта бақувват устунлар устига урнатилади. Купинча римликлар коринф хамда қатий тоскан

ордерлари ишлатиларди. Тоскан ордерини уларга этрусклардан мерос былиб қолганди.

Императорлик даврида коринф ордери асосида бастакорлик айрим тур пайдо былади. Эрамиздан аввалги V – II асрларда республика даврида эхромлар умумхалқ биноларига айланади. Юмалок ва туртбурчак псевдопериптерлар курилиб, уларни кириш жойи факат асосий тарздандир. Бунга , катта булмаган планида юмалок тиволидаги сибилла эхроми мисол була олади. Эрамиздан аввалги I асрда Римдаги Фартуна Вирилис эхроми курилганди.

Рим архитектурасини узига хослиги натижасида бадавлат ер эгалари, савдогарлар, хунармандларнинг янги турдаги турар жойлар пайдо була бошлади. Улларнинг куплар бизни куримизгача сакланиб келган, бу Помпея ва Геркуланумда вулқон отилиб чиққанда уни кли остида қолган шахарлардир. Римликларни алохидаги дангиллама уйлари-бу асосан бир қаватли былиб, унда оила хаёти хамда ишбилармонлик бир-бири билан худди бо\ланиб кетгандай булиб туюларди.Уй махсус кириш жой хамда очиқ пуристил ховлисидан иборат эди, бу грек уйлари тузилишига характерлидир. Атриум тугри бурчакли шипдаги тешикдан куёш нури оркали ёритиларди. Том ёнбошларидан шу тешик оркали ёмгир сувлари мармардан курилган ховузларга йигиларди. Перистиль уйни асосий хаёт жойи эди. Уни уртасида бог накшлар билан безалган жамда мармардан ясалган хайкаллар ва гулдожлар урнатилган эди. Плебейлар кып қаватли даромадли уйларни турувчиларига арендага бериларди.

## Декоратив нақшлар.

Рим уйларида қабулхоналар пайдо былиши билан («Виттеевлар уйи» Помпеяда). Тыртинчи услуб антика декорацияни намоёнда такдим этади. Помпей нақшлари кейинчалик /арбий Европа давлатларини декоратив санъатини ривожланишида катта роль ыйнаган.

## Хайкалтарошлик.

Римликлар грекларга ыхшаб дабдабали хайкаллар яратганлар. Рельеф архитектура декорини узилмас былагидир.

Республика даврда хайкаллар асосан этрус усталари томонидан бронза ёки теракатлардан тайёрланади. Этрусcларни кечки хайкалларидан римлик мавзусидан-бронзали «Капитотолияли быри ур\очиси» Рим рамзиси. У реалистик былиб, юқори қыйиш техникасида бажарилган. Римликлар хайкали портретни яхши бажараолмаганлар. У эрамиздан аввалги I асрни бошларида ривожлана бошлаган. Римда уни янги жанрини тушунишарди. Улар кунт билан одамларни юзини,

